



**ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ
“НАМКОРБАНК” АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ**

«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»

«Namkorbank» АТБ Кенгаши

мажлисининг 14.02.2020 йилдаги

03-сон мажлис баёни билан

Банк Кенгаши Раиси

_____ И.Ибрагимов

**“НАМКОРБАНК” АТБ
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМИ” ГА
КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

2020 йил

**“Намкорбанк” АТБ дивиденд сиёсати тўғрисида низом”га киритиладиган
ўзгартиришлар**

4.6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4.6. Банк қуйидаги ҳолларда акциядорларга дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) йўли билан фойдани тақсимлаш ҳуқуқига эга эмас:

а) пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар фойдани ушбу тақсимлаш натижасида бузиладиган бўлганда;

б) фойдани ушбу тақсимлаш натижасида тўловга қобил эмаслик (банкротлик) ёки тўловга қобил эмаслик (банкротлик) белгилари пайдо бўлганда;

с) Марказий банкнинг бажарилиши шарт бўлган кўрсатмасини бажариш ёки унда кўрсатилган камчиликларни, шу жумладан ахборотни ошкор қилиш бўйича камчиликларни, бартараф этиш имконияти йўқлигида;

д) Банка Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисидаги талаби мавжудлигида;

Банклар қуйидаги ҳолларда фойдани тақсимлашга Марказий банкнинг розилигини олиши зарур:

а) ушбу модданинг биринчи қисми хатбошисида кўрсатилган тўловлар умумий суммаси банк хусусий капиталининг ўн фоизидан ошиб кетганда;

б) жорий ёки олдинги йил чораги ва (ёки) молиявий йил бўйича зарар мавжудлигида.»

Юрист

А.Комилов

**Қимматли қоғозлар ва биржа
хизматлари бўлими бошлиғи**

С.Турдиахунов

Ишчи гуруҳ котиби

Методология сектори мутахассиси

З.Ахунова